Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОУМТВ
Буйруқ № 418
14. 08 2020

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети;
- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 110000 - Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. | *5112100– Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари | 4 |
| 1.2. | *5112100–Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи | 4 |
| 1.2.1. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари | 5 |
| 1.2.2. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари | 5 |
| 1.2.3. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари | 6 |
| 1.2.4. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари | 6 |
| 2. | *5112100 - Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар | 7 |
| 2.3. | Касбий квалификациялар | 8 |
| 3. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 9 |
| 3.1. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар | 9 |
| 3.2. | *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми | 10 |
| | Библиографик маълумотлар | 10 |

## 1. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим** йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 3 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби ***5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим** йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5112100 – Технологик таълим** бакалавриат таълим йўналиши-умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-

педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***1.2.2. 5112100 – Технологик таълим*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- фан, таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- фан ва таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
- лойихалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ҳамда ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

***5112100 – Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:***

- *Президент мактаблари, умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблари ва интернатлари, бошлангич касб –ҳунар мактаблари, таълим муассасаларидан ташқари лойиҳалаш, конструкторлик фаолияти билан боғлиқ тўгаракларда дарс бериш;*
- *таълим тизимида кабинет мудири, методист ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*
- *аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*
- *Президент мактаблари, умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблари ва интернатлари, бошлангич касб – ҳунар мактаблари, академик лицейларда таълим-тарбия соҳаларда ишлаш;*
- *ишлаб чиқариш соҳаларида, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.*

**1.2.3. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- таълим-тарбия;
- ташкилий-бошқарув;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

***5112100 – Технологик таълим*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир булиши лозим:

**Таълим жараёнида хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- таълим жараёни, ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методларини ташкил этиш ва бошқариш;

- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикасини ташкил этиш;

- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалантириш ҳамда ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш тизимини йўлга қўйиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

- Таълим муаассасалари, уларнинг узлуксиз ва узвийлигини таъминлаш, педагог кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, таълим тизимида педагог кадрларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- бажараётган таълим-тарбия фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, таълим жараёнида сифатни назорат қилиш;

- таълим-тарбия жараёнида кабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни мукобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- таълим-тарбия жараёнида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш, таълим мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-мухитни муҳофаза килиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида таълим жараёнларини назорат қилиш;

- таълим-тарбия жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш. фавкулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.

- таълим тизимига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда замонавий таълим усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда катнашиш;

- таълим тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- таълим тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича илмий-иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

**Тадбиркорлик фаолиятда:**

- янги илмий-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- илмий лойиҳаларни ташкил этиш, лойиҳа режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

## 2. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш

усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;
- таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;
- яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;
- таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;
- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;
- таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*
- Илмий-тадқиқот фаолиятида:
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

- Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

2.3. Касбий квалификациялар. Технология фани бўйича машғулотларни ташкил этиш ва бошқариш, фанни ўқитиш методикаси, фанни ривожлантиришга қаратилган методик тадқиқотчилик, таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, ўқувчиларда касбга йўналганликни шакллантириш, таълим сифатини назорат қилишга оид квалификацияларга эга бўлиши мумкин.

## 3. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари”, “Қўшимча фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2. *5112100 – Технологик таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати уч йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 152 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| **Ўқув даврлари** | **Кундузги таълим шакли учун*** | **Кечки таълим шакли учун*** | **Сиртки шакли таълим учун*** |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим* | 40-60% | 40-60% | 40-60% |
| *Шу жумладан, мустақил таълим* | - | 15-35% | 25-45% |
| Аттестация | 6-8% | 6-8% | 6-8% |
| Таътил | 10-30% | 10-30% | 10-30% |
| Малакавий амалиёт | 15-30% | 15-30% | 15-30% |
| Битирув малакавий иши | 2-3% | 2-10% | 2-10% |

**Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7
Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

**Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор** ______________ **А.Умаров**

2020 йил «12» 08 ______

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**
**Республика таълим маркази**

**Директор** ______________ **Ш.Саттаров**

2020 йил «14» 08 ______

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги**
**Олий таълимни ривожлантириш тадкикотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Директор** ______________ **З.Хакимов**

2020 йил «14» 08 ______

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти**
**Бош бошкармаси бошлиғи**

**Бошлик** ______________ **С.Ниязбеков**

2020 йил «14» 08 ______

М.Ў.

***"5112100" Технологик таълим***

**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳининг келишув варақаси**

| № | Ишчи гурух раиси ва аъзолари | Аъзоларнинг Ф.И.Ш | Лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
|---|---|---|---|---|
| 1 | раис | Н.Х.Рахмонкулова | Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори | |
| 2 | аъзо | Х.Ш.Кадиров | Низомий номидаги ТДПУ "Технологик таълим" факультети декани | |
| 3 | аъзо | Р.Г.Исянов | Низомий номидаги ТДПУ "Технологик таълим" кафедраси мудири | |
| 4 | аъзо | А.А.Хасанов | Низомий номидаги ТДПУ "Ахборот технологиялари" кафедраси мудири | |
| 5 | аъзо | Н.Э.Ташимов | Низомий номидаги ТДПУ "Мухандислик графикаси ва уни ўкитиш методикаси" кафедраси мудири | |
| 6 | аъзо | Р.Ш.Халилов | Низомий номидаги ТДПУ "Тасвирий санъат ва уни ўкитиш методикаси" кафедраси мудири | |

**Ректор** **А.Ю.Умаров**

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Х.Рахмонқулова**

**Ўқув-меъёрий хужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи** **А.А.Хўжаев**

**Факультет декани** **Х.Ш.Кадиров**

*"5112100" Технологик таълим*

**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

**Ишчи гурух таркиби**

| Т/Р | Ишчи гурух раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | А.Ю.Умаров | Раис, ректор | |
| | | Аъзолари: | |
| 1 | Р.Г.Исянов | Низомий номидаги ТДПУ "Технологик таълим" кафедраси мудири, п.ф.н.,доцент | |
| 3 | Г.М.Анорқулова | Низомий номидаги ТДПУ "Технологик таълим" кафедраси доценти | |
| 4 | А.А.Абдухаиров | Низомий номидаги ТДПУ "Технологик таълим" кафедраси ўқитувчиси (PhD) | |

**Ректор _________________________ А.Ю.Умаров**

**М.Ў.**

**Ўқув ишлари**
**бўйича проректор____________________ Н.Х.Рахмонкулова**

**Декан__________________________ Х.Ш.Кадиров**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. "6" 08 2020 й.

**Қатнашчилар:** Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарканд давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети, Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти ректорлари, ТДПУ Термиз ва Шахрисабз филиаллари директорлари, университетнинг таянч кафедралари мудирлари ва таклиф этилганлар.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси

**Сўзга чиқдилар:** Н.Рахманкулова – маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган, шунингдек амалдаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими томонидан турдош олий таълим муассасалари ҳамда университет кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив

ҳужжатлар ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизими асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди

| | | |
|---|---|---|
| А.Умаров | - | Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Н.Рахманкулова | - | Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| А.Акмалов | - | Математика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Халилова | - | Психология кафедраси мудири; |
| С.Турсунов | - | Информатика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Джанпеисова | - | Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири, |
| П.Алимкулов | - | География ўқитиш медикаси кафедраси мудири; |
| Н.Абидова | - | Логопедия кафедраси мудири; |
| О.Искандаров | - | Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| М.Хамедова | - | Олигофренопедагогика кафедраси мудири, |
| Ў.Хўжаназов | - | Ботаника кафедраси мудири; |
| Д.Давлетов | - | Умумий математика кафедраси доценти; |
| Н.Толипов | - | Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси катта ўқитувчиси; |
| О.Рахматуллаева | - | Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири ва бошқ |

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА17-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим вазирликлари экспертизасидан ўтказилганлиги инобатга олинсин

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда турдош ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти,** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари **ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш (келишув) учун Вазирлик ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни** татбиқ этиш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** — **А.Ю.Умаров**

**Котиб** — **А.А.Хўжаев**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгашн *Педагогика* таълим соҳаси бўйича**
**ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 9-сонли**

**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент ш. "6" 08 2020 й.

Қатнашдилар Бирлашма раиси – А.Ю Умаров
**Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев**
Аъзолари: - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 14 нафар.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси А.Ю.Умаров:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953–сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини аратиш зарурияти туғилганлиги, шу жумладан 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳақида ахборот бериб, уларни муҳокама қилиш ҳамда ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Сўзга чиқдилар: Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректорлари, Табиий фанлар таълими шуъбаси раиси К.Сапаров, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълими шуъбаси раиси [illegible], Мактабгача таълим шуъбаси раиси М.Мирсолиевалар сўзга чиқиб, *110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура*

*мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар

**Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори Н.Раҳманкулова:**

маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълими соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларида таълим соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий islohotlar тўлалигича ўз аксини топди, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин, - деб фикр билдирди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳалари республикадаги асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашга тақдим этишга тайёр ҳолатга келтирилган

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, ўқитишнинг кредит-модуль тизими бўйича янгидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълими соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги эътиборга олинсин.

2. 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари манфаатдор вазирликларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (110000-Педагогика таълим соҳасига кадрлар истеъмолчилари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги) томонидан қўйиладиган умумий малака талаблари "Келишув баённомалари", "Келишув далолатномалари" билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова қилинади)

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида эътиборга олинсин

4. 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш тавсия этиш учун Олий, ўрта махсус ва профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашга тақдим этилсин

**Бирлашма раиси** А.Ю.Умаров

**Масъул котиб** А.А.Хўжаев

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланилганлиги ҳақида**

## МАЪЛУМОТНОМА

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой Халк Республикаси, Япония, Корея, Белоруссия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган педагогика таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган педагогик кадрлар тайёрлашда назарий ва мустақил таълим билан бирга малака амалиётига алоҳида эътибор берилиши таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказишда ўқиш муддати 4-йил бўлган таълим йўналишларида 24 ҳафта, 3-йил бўлган таълим йўналишларида 14 ҳафта қилиб белгиланди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари асосида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, малака талабларида илмий-тадқиқот фаолияти ҳам назарда тутилган. Илғор хорижий мамлакатлардаги педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар сонини ва номланишини ҳисобга олиб, ўқув режасида фан блоклари таркиби янгиланди, мутахассисликка оид бўлмаган фанлар 2 баробар қисқартирилди, шунингдек, 1-курсдан мутахассислик фанларини ўқитилиши инобатга олинди.

Хорижий мамлакатларда олий педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида талабаларнинг келгуси фаолияти ҳисобга олиниб танлов бўйича фан ўрганиш имконияти берилиши, яъни таълимни демократлаштириш назарда тутилишини эътиборга олиб, ишлаб чиқилган **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режаларига нисбатан оширилди.

Педагогика таълим соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида магистратура талабалари малака талабларида мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказиш инобатга олинди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Рахмонкулова**

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишга оид

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури"ва, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 августдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги "Педагогика таълими соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июлдаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги [illegible] 20-сонли топшириғи асосида берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳақида"ги [illegible]-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ҳамда бошқа таълим соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш асос қилинди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда таълим соҳасининг буюртмачилари, кадрлар истеъмолчиларининг таклифлари бўйича талаблари ҳисобга олинди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари бўйича "Гуманитар ва табиий-илмий фанлар" блоки 15-20%, умумкасбий фанлар блоки 30-50%, ихтисослик фанлари блоки 20-35% ни, қўшимча фанлар блоки [illegible]% ни ташкил этади. Бундан ташқари магистратура мутахассисликлари малака талаблари бўйича "Умуммеҳнат(ологик) фанлар" блоки 15-20%, "Мутахассислик фанлари" блоки 45-55% ни ташкил этади. Танлов фанлари блоки 20-35% ни ташкил этади.

Ушбу малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мазмуни ва моҳиятига мос, таълим-тарбияга тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Малака талабларини ишлаб чиқишда мустақиллик, демократия, ёш миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг [illegible] ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаблари кескин таълим соҳасидаги ҳозирги замон мустақил фикрлаш, юксак касбий компетенцияни шакллантиришга қаратилган.

Ушбу малака талаблари халқаро даражада эътироф этилган технология, фан ва техника тараққиётининг ютуқлари, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг замонавий талаблари ҳамда амалдаги қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилди.

Малака талабларини яратишда [illegible] ҳисобга олинган ҳолда узлуксиз таълимнинг мужассамлашганлиги таъминланди.

Ўқув жараёнининг [illegible] мурожаатига қараб ўзгартириш ва таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ [illegible] имкониятлари яратилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига [illegible] ўзгартириш ва [illegible] мезонлари келтирилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, замонавий фан, техника, технология ва иқтисодиёт ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви ва кадрлар истеъмолчилари талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишга [illegible] тамойиллар яратилди.

ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор [signature] [stamp] Н.Рахмонкулова

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 5111200 -Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича тайёрланган малака талабларига**

## ТАҚРИЗ

Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5111200-Технологик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

5111200-Технологик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турли жабҳаларини технологик билим, тафаккур, ишлаб чиқариш билан фан муносабатлари, илмий-тадқиқот ишлари, педагогик (умумий ўрта таълим мактаблари ва профессионал таълим билим юртлари) фаолиятини камраб олади.

Малака талабаларида 5111200-Технологик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар асослаб берилган.

5111200-Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта таълим мактаблари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган холда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутган малака талабларининг ихтисослик фанлар блокида тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши, бакалавр юқори даражали фундаментал, касбий ва гуманитар тайёргарликка, педагогик фикрлашга, илмий, ташкилий ва бошқарув фаолият кўникмаларига эга бўлиши, кенг илмий-фундаментал ва амалий тайёргарликни биргаликда олиб бориш, ўз мутахассислигини мукаммал эгаллаши, билимларини инновацион иқтисодиёт шароитида, хўжалик юритиш услубларида қўллай олиши, таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишга кўмаклашиши тўлиқ келтирилган ва асослаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда 5111200 – Технологик таълим бакалавриат йўналиши учун ишлаб чиқилган ушбу малака талабларини тасдиқлаш учун тавсия этаман.

ТТЕСИ Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси доценти п.ф.н. В.Н.Сатторов

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 5111200 -Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича тайёрланган малака талабларига**

## ТАҚРИЗ

Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5111200-Технологик таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

5111200-Технологик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турли жабҳаларини технологик билим, тафаккур, ишлаб чиқариш билан фан муносабатлари, илмий-тадқиқот ишлари, педагогик (умумий ўрта таълим мактаблари ва профессионал таълим билим юртлари) фаолиятини қамраб олади.

Малака талабаларида 5111200-Технологик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар асослаб берилган.

5111200-Технологик таълим бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта таълим мактаблари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутган малака талабларининг ихтисослик фанлар блокида тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши, бакалавр юқори даражали фундаментал, касбий ва гуманитар тайёргарликка, педагогик фикрлашга, илмий, ташкилий ва бошқарув фаолият кўникмаларига эга бўлиши, кенг илмий-фундаментал ва амалий тайёргарликни биргаликда олиб бориши, ўз мутахассислигини мукаммал эгаллаши, билимларини инновацион иктисодиёт шароитида, хўжалик юритиш услубларида қўллай олиши, таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишга кўмаклашиши тўлиқ келтирилган ва асослаб берилган

Хулоса қилиб айтганда 5111200 – Технологик таълим бакалавриат йўналиши учун ишлаб чиқилган ушбу малака талабларини тасдиқлаш учун тавсия этаман.

ТДПУ Тасвирий санъат
ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси доценти п.ф.н., Ў.Н.Нуртаев

DEVONXONA ...ning imzosini tasdiqlayman Nizomiy nomli TDPU Ilmiy Kengashining kotibi

## 5112100 – Технологик таълим

**таълим йўналиши бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро миқёсдаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш**

**Бакалавриатда таълим жараёнинг умумий кўрсаткичлари**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошланиши | Умумтаълим мактаблари академик лицей ва касб-ҳунар колледжларидан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг |
| 2 | Давомийлиги | 3 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3 | Таълим олувчилар сони | 20-25 ва ундан ортиқ | 20 | 20 |
| 4 | Ўтиш жойлари | Университет қошидаги факультетларга бириктирилган бинолардаги ўқув хоналари | Университетга хомийлик қиладиган институтларда | Университет кафедрасида талабаларнинг йўналиши ва илмий тадқиқот мавзуларига тааллуқли бўлган институтларда |
| 5 | Таълим берувчилар | Университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган малакали ўқитувчилар ва хорижий мутахассисларни жалб этилади | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонига эга бўлган соха мутахассислари ва хорижий мутахассисларни жалб этилади |
| 6 | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, (ТСНКДИ, ДТМ), кафедра мудири, бириктирилган бошқа профессор-ўқитувчилар | Факультет раҳбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар | Факултет деканати, кафедра мудирлари. профессор ўқитувчи ўзига беркитилган талабалар билан индивидуаль тарзда фаолият юритади |

**Бакалавриатда таълим жараённинг таркиби**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриат) | Атлантик Халқаро Университети (АҚШ) | OUS Academy (Швейцария) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Назарий таълим | Асосий қисми маъруза кўринишида университет аудиторияларида ўтказилади | Асосан талабалар ўзларининг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига киради. | Асосий қисми факультетда маъруза курслари кўринишида ўтказилади. |
| 2 | Амалий таълим | Таълим муассасасида, ўкув устахоналарида, ва лабораторияларда | Университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда | Таълим муассасасида ва Университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда Университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда |
| 3 | Илмий – тадқиқот ишлари | Бакалавриатда таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув ишини асосан умумий ўрта таълими,профессонал таълим тизими материаллари асосида бажарилади. Кафедра профессор-ўқитувчилари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий-тадқиқот ишини бажариш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш билан шуғулланадилар. | Илмий иш бўйичакафедра ёки ўзининг мавзуси бўйича бошқа мутахассис билан турли институтларда оширилади. Бакалаврнатдаги ўқиш жараёнида илмий рахбар танланади. | Кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида, илмий лоитурлар доирасида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Илмий иш давомида рефератлар тақдим қилиш, конференцияларда иштирок қилиш ва илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ёзиши мумкин. |
| 4 | Мустақил таълим | Талабалар назарий машғулотлар, амалий | Талабалар турли мавзуларда мустақил | Талабалар мустақил таълимда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошка таълим муассасаларида яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғи ва бошка) фойдаланган холда ўз билимларини оширишлари мумкин. | изланадилар ва семестрлар якунида хулосаларини профессор-ўкитувчиларга такдим этадилар (макола, такдимот) | журналларга камида 2-3 макола ёзадилар. Мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. |
| 5 | Таълим жараёнида баҳолаш | Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадкикот ишлари бўйича билимларини баҳолаш оркали кредит йиғиб боради. 5 бахоли тизим асосида жорий, оралик , якуний назорат кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат аттестацияси ёзма, оғзаки ёки тест кўринишида амалга оширилади | Семестрлар давомида асосий фанлардан белгиланган амалий, семинар машғулотлари оркали кредит йиғиб борадилар. | Талабаларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралик тест саволлари оркали, билимларни даврий оғзаки кўринишда текшириш, циклар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. |

**Бакалавриатда таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги**

| Ўзбекистон Республикаси | Муддати | Жанубий Корея | Муддати | Германия | Муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 семестрда 7-8 та фан ўкитилади. 1 йилда жами 10-12 та, 3 йилда 30-40 та фан ўкитилади. | 3 йил | 1 семестрда 5 та, 1 йилда 10 та кўпи билан 12 та фан ўкитилади.<br>4 йилда жами 44 та фан ўкитилади | 4 йил | 1 семестрда 4 та, кўпи билан 5 та.<br>1 йилда 10 та фан ўкитилади. | 4 йил |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

<table>
<tr><th rowspan="2">т/р</th><th colspan="2">Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)</th><th rowspan="2">Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</th></tr>
<tr><th>шифри</th><th>номи</th></tr>
<tr><td>1</td><td>5112100</td><td>Технологик таълим</td><td>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:<br>- технологик операцияларни бажариш, технологик харитасини тузиш ва улардан фойдаланиш;<br>- Технология фани ўқув устахоналарида таълим воситалардан оқилона фойдаланиш ва таълим жараёнини ташкил этиш;<br>- табиий ва турли материалларнинг хусусиятларини тавсифлайди ва фарқлай олади;<br>- ёғоч, металл ва металлмас буюмларни тайёрлаш ва махсулотларни тайёрлаш технологик харитасини лойиҳалай олади;<br>- материалларга иссиқ ва совуқ холда ишлов бериш усулларини бажара олиш ва уни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;<br>-тикувчилик ва тўқувчилик буюмларни конструкциялаш ва моделлаштириш ишларини бажара олиш, уларни ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш;<br>- кичик ҳажмдаги содда буюмларни тикиш ва тўқиш, технологик харитасини тузиш ва ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;<br>- ҳаракатланувчи моделларни ясаш ва уларни ясашга оид технологик харитасини туза олади;<br>- халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича буюмларни тайёрлаш технологиясини лойиҳалай олади;<br>- электротехника, автоматика ва робототехника турларини тавсифлай олади;<br>- содда электротехника ишларини бажариш бўйича йўриқномалар тайёрлай олади;</td></tr>
</table>

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - техника ва технологияларнинг иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришдаги аҳамиятини билади;<br>- саноат соҳалари бўйича таянч билимларга эга бўлади;<br>- замонавий бозор муносабатларига мослашади ҳамда фаолият юрита олади;<br>- турли материалларга ишлов беришда, жиҳоз-ускуна, мослама, механизм, машиналарда техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилишга оид йўриқномаларни ишлаб чиқади,<br>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;<br>- илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш;<br>- умумтаълим мактабларида “Технология” фанини ўқитиш, таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган методикасини яратиш, самарали таълим услубларини қўллашга оид илмий изланишлар олиб бориш;<br>- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;<br>- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;<br>- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш;<br>- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишларнинг натижаларини намойиш этишда қатнашиш,<br>- халқ таълими бўлимлари бошқармаларида ва таълим тизимининг бошқа тузилмаларида ишлаш;<br>- гойиҳалаш институтларида ишлаш;<br>- лойиҳалаштиришда замонавий коммуникацион, информатика ва компьютер технологияларидан фойдаланиш;<br>- таълим муассасаларида бошқарув фаолиятини олиб бориш;<br>- таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;<br>- маънавият марказларида фаолият юритиш;<br>- профессионал таълим муассасаларида мутахассислик соҳаси бўйича фаолият юритиш;<br>- ишлаб чиқариш корхоналарида соҳаси бўйича техник-технолог лавозимида фаолият юритиш мумкин. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2. | **5A112101** | **Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Технологик таълим) магистратура мутахассислигининг** | Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.<br>Бундан ташқари у:<br>- Технология фани бўйича таълим воситалардан оқилона фойдаланиш ва таълим жараёнини ташкил этиш;<br>- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;<br>- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;<br>- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш;<br>- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиш;<br>- таълим самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш;<br>- халқ таълими бўлимлари бошқармаларида ва таълим тизимининг бошқа тузилмаларида ишлаш;<br>- лойиҳалаш институтларида ишлаш;<br>- лойиҳалаштиришда замонавий коммуникацион, информатика ва компьютер технологияларидан фойдаланиш;<br>- умумтаълим мактаблари ва профессионал таълим муассасаларида бошқарув фаолиятини олиб бориш;<br>- узлуксиз таълим тизими таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;<br>- маънавият марказларида фаолият юритиш;<br>- профессионал таълим муассасаларида мутахассислик соҳаси бўйича фаолият юритиш;<br>- ишлаб чиқариш корхоналарида соҳаси бўйича техник-технолог лавозимида фаолият юритиш мумкин.меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш;<br>- ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришни сифатини назорат қилиш ва татбиқ этиш;<br>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган таълим жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш,<br>- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни;<br>- олий таълимда Технология йўналишида мутахассислик фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориш, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни;<br>- ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни;<br>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни;<br>- ўз<br>мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак. |

**5112100 – Технологик таълим**
**Бакалавриат таълим йўналишининг фанлар кесимида касбий компетенциялари**
**ЖАДВАЛИ**

| Фаннинг малакавий коди | Фаннинг номи | Фан ёрдамида шакллантириладиган зарурий касбий компетенциялар | Курслар кесимида фанни ўқув жараёнидаги ўрни | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV |
| | | **Умумкасбий фанлар** | | | | |
| TexTM 20012 | Технология таълими методикаси | Технология фани бўйича машғулотларни ташкил этиш шакллари, воситалари ва ўтказиш методикасини билиш. | | + | + | |
| ChGMG 2006 | Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | Чизма геометрия асослари ва муҳандислик графикасини ўрганиш орқали буюмларни эскизларини тайёрлаш кўникмасига эга бўлади | + | | | |
| TexM 2006 | Техник механика | Назарий механика, материаллар қаршилиги ва техник механикага оид билимларни билиш | + | + | | |
| MatM 2006 | Материалшунослик<br>а) Материалшунослик ва конструкцион материаллар<br>б) Тикувчилик материалшунослиги | Материалшунослик метал ва металмас материаллар тузилиши, конструкцион материаллар хусусиятлари ва улардан фойдаланиш йўлларини билиш<br>Тикувчилик материаллари турлари, тузилиши ва улардан фойдаланишга қўйилган талабларни билиш | + | | | |
| ElTO'M 1006 | Электротехника, электроника ва электр ўтказгичлар | Ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр занжирлари, электромагнит қурилмалар, электр юритмалар уларни бошқариш, | | + | + | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | электрон занжирлар ва уларнинг элементлари, ярим ўтказгичли ва рақамли микросхема асослари, радиотўлқинларни қабўл қилиш ва узатиш принципларини ўрганиш ҳамда ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр занжирларининг ишга тушириш, ҳимоя ва бошқариш аппаратларини, ярим ўтказгичли ва рақамли микросхемаларни чизма схемаларидан фойдаланиб электр қурилмаларни йиғиш, созлаш ва синаш усулларини билиш | | | | |
| TTPM 10020 | Технология таълими практикуми<br>а) Технология ва дизайн<br>б) Сервис хизмати | Ёғоч, метали ва металмас материаллари турлари ва улардан маҳсулотлар тайёрлаш технологиясини бажариш<br>Тикувчилик, тўқувчилик буюмларини тайёрлаш технологияси, пазандачилик ишларини амалга ошириш технологияларини билиш | + | + | | |
| GidroAM 1004 | Гидроавтоматика | Суюқликларнинг тинч ва ҳаракатдаги ҳолати қонуниятларини ўрганиш ва натижада уларда дарёлар, каналлар ва сув омборларини гидравлик ҳисоблаш усулларини амалда қўллаш, гидростатика, гидродинамика ва махсус гидравлика очиқ ўзанлар гидравликаси қонунларини, гидравлик ҳисоблаш усулларини ўрганиш ва амалда қўллай олишни билиш. | | | + | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MetStM 1008 | Метрология, стандартлаштириш ва сертификациялаштириш | техник ўлчашларни, ўлчаш воситаларини ва усулларини, давлат стандартлаштириш тизими, ўзаро алмашувчанлик ва уларнинг турлари, туташма ва ўтказишлар, сиртларининг гадир-будирлиги ва махсулотни сифати ва уни бошкаришни, халкаро стандартлаштириш; допуск ва ўтказишлар тўғрисида, кўлда бажариладиган оддий амалларни бажара олиш усулларидан, содда буюмларни, накшларни чизмасини тузиш, хавфсизлик техникасига риоя қилиш, асбоб-ускуналардан тўғри фойдалана билиши | | + | | |
| RabAM 2008 | Работотехника асослари | Саноат ишлаб чиқаришини комплекс автоматлаштириш воситалари, электрон автоматлаштириш йўллари ва электрон автоматик созлаш-бошкариш курилмалари элементларини ва робототехника асосларини билиш, харакатланувчи моделларни ясаш, электротехника, автоматика ва робототехника турларини тавсифлай олади | | | + | |
| | | **Ихтисослик фанлари** | | | | |
| XHBLM 3004 | Халк хунармандчилиги ва бадиий лойихалаш а) Технология ва дизайн | а)халк хунармандчилиги хакида умумий тушунчалар; миллий хунармандчилик асослари; турли миллатлар халк хунармандчилиги турлари пичокчилик технологияси, сандикдўзлик ёгоч ўймакорлиги технологияси, наккошлик технологияси, ганчкорлик технологияси, | | | + | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | б) Сервиз хизмати | заргарлик буюмларини бадиий лойиҳалаш технологиясини, кандакорлик санъатини ва уларда ишлатиладиган асбоб- ускуналар, материаллар. хомашёларни билишлари, амалий санъати хоналарини жиҳозлаш билиш.<br>б)Каштачилик, зардўзлик, курокчилик, дўппичилик . аппликация турлари ва улардан махсулотларни тайёрлаш технологиясини билиш... | | | | |
| ТИК 3008 | Техник ижодкорлик ва конструкциялаш<br><br>а) Техник конструкциялаш ва моделлаштириш<br><br>б) Тикувчилик буюмларини контрукциялаш ва моделлаштириш | а)техник ижодкорликнинг асосий тушунчалари ва моҳияти, техник ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари; техник ижодкорликнинг ташкилий асослари; кашфиёт. Ихтирочилик. Рационализаторлик таклифлари илмий-техник ва патент ахбороти. Ижод методлари, техник масалаларни ечиш; техник ижодкорлик методларини ривожлантириш. «Амал ва хато» методи; «аклий хужум» методи. Синектика ва морфологик таҳлил. Назарий саволлар методи. Ихтирочилик масалаларини ечиш алгоритмини билиши<br>б) Тикувчиликка оид кийимларни конструкциялаш ва моделлаштириш технологияларини билиш | | + | | |
| МаҲТТ 30012 | Махсулот тайёрлаш технологияси | а) ёғоч, метал ва металмас материаллардан буюм тайёрлаш | | + | + | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | технологиясини билиш.<br>б) Тикувчилик буюмларини тайёрлаш технологияси, кийимларни тикиш ва уларга ишлов бериш технологияси ва пазандачилик технологиясини билиш | | | | |
| URAM 3004 | Уй рўзғор асослари<br><br>а) Технология ва дизайн<br><br>б) Сервиз хизмати | а) пол қопламалар ҳамда мебелларнинг тақланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш; ойна ромларини кичик таъмирлаш ва қишда иссиқликни сақлаш усуллари; хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб-ҳунар турлари; пол қопламалари юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш иш усуллари ҳақида билиши<br>б) Турли хил уй-рўзғор асбоб ускуналари ва буюмлари турларини ва улардан фойдаланиш, ошхона жиҳозлари ва асбоб ускуналари технологиясини билиш, уйда тайёрланадиган консервалаш ишларини бажариш технологиясини билиш ва уларни ўқитишга оид методикани билиш | | | + | |
| QXTexM 3004 | Қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этиш технологияси | Томорқа ерларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги полиз экинларини етиштириш, иссиқхоналарни ташкил этиш ва уларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологияси ва қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этиш технологиясини билиш | | | + | |